



ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

ВЕСТНИК НУУЗ

АСТА NUUZ

МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

**ЖУРНАЛ
1997
ЙИЛДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН**

**2022
1/1/2**

**Ижтимоий-
гуманитар
фанлар
туркуми**

Бош муҳаррир:

И.У.МАДЖИДОВ – т.ф.д., профессор.

Бош муҳаррир ўринбосари:

Р.Х.ШИРИНОВА – ф.ф.д., профессор

Таҳрир ҳайъати:

Сагдуллаев А.С. – т.ф.д., проф.

Аширов А.А. – т.ф.д., проф.

Баллиева Р. – т.ф.д., проф.

Маликов А.М. – т.ф.д., проф.

Юсупова Д.Ю. – т.ф.д., проф.

Муртазаева Р.Х. – т.ф.д., проф.

Мўминов А.Г. – с.ф.д., проф.

Нишоновна О.Ж. – ф.ф.д., проф.

Абдуллаева Н.Б. – ф.ф.д., проф.

Мадаева Ш.О. – ф.ф.д., проф.

Туйчиев Б.Т. – ф.ф.д., проф.

Эргашев И. – ф.ф.д., проф.

Ахмедов Х.А. – с.ф.д.

Мирзаахмедов К.М. – с.ф.ф.д., PhD.

Мухаммедова Д.Г. – пс х.д

Болтабоев Х. – фил.ф.д., проф.

Раҳмонов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Жабборов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Сиддикова И.А. – фил.ф.д., проф.

Садуллаева Н.А. – фил.ф.д., доц.

Арустамян Я.Ю. – фил.ф.д., доц.

Пардаев З.А. – фил.ф.ф.д., PhD.

Масъул котиб: **З. МАЖИД**

ТОШКЕНТ – 2022

МУНДАРИЖА

Тарих

Абдуллаев Э. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда Бобурийлар маънавий меросининг аҳамияти ..4	
Bohodirov I, Jurayev B. Turkistonda XIX asr o'rtalarida armiya va harbiy ta'lim (Vuxoro misolida).. ..6	
Йўлдошев А. Қирғизистон ўзбеклари жамоат ташкилотлари тарихига бир назар ..10	
Патхиддинов Р. Фарғона вилоятида безгак касаллиги.....14	
Раджабов О. Индустрлаштириш йилларида Ўзбекистон темир йўл тизимининг матбуотда ёритилиши.....17	
Элмуратова Ш. Давлат намоёндаси Усмон Юсупов уй-музейининг ташкил этилиши, фаолиятининг муҳим йўналишлари.....19	
Фалсафа, Педагогика, Методика, Психология, Социология	
Abdullayev N. Biologiya va kimyo fanlariga muvofiq tizimli tahlil asosida fizikani o'qitish metodlari.....23	
Абдуллаева Ч. Оказионализми в рекламном дискурсе ..26	
Абдуллажанова Д. Влияния социальных стереотипов как фактор женской активности в управлении.....30	
Алимова М. Маҳалла институти – жамоатчилик назоратининг бир кўриниши ..34	
Alimova N. Use of innovative methods in teaching world literature use of innovative methods in teaching world literature ..37	
Agalov M. Talabalarni o'qitishda dasturiy vositalar yordamida kartalar bilan ishlash hamda tizimli yondashuv asosida o'qitishni takomillashtirish ..40	
Aslanova N. Boshlang'ich sinf o'quvchilarini mutolaaga qiziqtirishda o'yin-mashqlardan foydalanishning afzalliklari.....44	
Ахмаджонов О. Замоनावий жамиятда электрон маданиятнинг хусусиятлари ..47	
Бурханов Х. Рақамли жамиятда миллий сегмент фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари.50	
Valiyeva Sh. The importance of multimedia in education.....54	
Давидов У. Глобаллашув жараёнида миллий ғоя -мафкуравий таҳдидларни бартараф этиш омили сифатида.....57	
Зияева М. Лойихалаш мустақил таълимни ривожлантиришнинг дидактик воситаси сифатида ..60	
Ibaydullayeva U. Ota-ona va farzand o'rtasidagi nizoning psixologik omillari ..63	
Ибрагимов А. Таълимда когнитив тадқиқотлар: назария, шаклланиш ва ривожланиш йўналишлари ..66	
Ishonxanova I. Umumta'lim maktablarining 6-sinfida alisher navoiy hayoti va ijodining o'rganilishidagi muammolar.....69	
Қандов Б. Глобаллашув жараёнида инсон ҳуқуқлари ва эркинлигининг ижтимоий-фалсафий асослари.....73	
Quvondiqov S. Футбол спорт турида тактика ва тактик тизимларнинг аҳамияти ..77	
Мирзақулов И. Узлуксиз таълим жараёнида жисмоний тарбия дарслари самарадорлигини ошириш технологияларини такомиллаштириш.....80	
Мухаметов А. Юқори малакали спорчилар жисмоний қобилиятларини ривожлантириш усуллари.....83	
Мухаммадиев К. Олий таълим муассасаларида жисмоний тарбия жараёни самарадорлигини такомиллаштириш ..86	
Назаров С. Жисмоний машқлар орқали ўқувчиларда чарчокни олдини олиш воситалари ..90	
Назирова Қ. Узлуксиз мусика таълими тизимига инновацион ёндашув ..92	
Raurova L., Axmedova M. Oliy filologik ta'limda talabalarining nutqiy kompetentsiyasni rivojlantirishda kredit-modul tizimiga o'tishning amaldagi holati va istiqbollari ..95	
Raximov V. Talabalarda sog'lom turmush tarzi hayotiy ko'nikmalarini rivojlantirishning didaktik imkoniyatlarini takomillashtirish ..98	
Раҳманов Б. Миллий ғояни ревожлантириш омиллари ..101	
Ruziyev A. Brass usulida suzish texnikasini o'rgatish.....105	
Саидова К. Человек как субъект жизни в русской экзистенциальной философии.....109	
Saidazimova I., Tahirova N. Motivation in foreign language acquisition: analysis of the shift from intrinsic to extrinsic motivation ..113	
Тошматов А., Рисқулова М. Таълимда мавзулаштирилган видеодарсликлар яратиш ..117	
Тоштемирова С. Узлуксиз таълим тизимида тарих фанларни ўқитишнинг педагогик стратегиялари ..120	
Тўраев Ш., Оймиров С., Мухиддинова М. Менежмент тизимларини сертификатлаштириш органларида хавфларни баҳолашнинг жорий қилишнинг асослари.....124	
Turakulov O., Halimov O'. Muhandis mutaxassislarda matematik kompetentligini rivojlantirish vositasi sifatida ikki karrali integrallarni hisoblash usullari.....129	
Туракулова А. Вовлеченность родителей в жизнь детей и её последствия для развития ребенка ..133	
Umarov V. Post modernist methods of teaching foreign language.....136	
Урунова Ш. Инглиз тили ўқитишда терминологик лексикани ўзига хос хусусиятлари ..139	
Усмонов А. Футбол спорт турида тактика ва тактик тизимларнинг аҳамияти.....142	
Файзиёва О. Силовая подготовка в физическом воспитании студентов ..145	
Xasanova S. Maktabgacha yosh davri bolalarida qo'rquv va xavotirlanish holatlarini yuzaga keltiruvchi omillar ..149	
Холиқов С. Ўзбекистонда миллатлараро бағрикенглик маданиятини ривожлантиришнинг фалсафий асослари.....152	

Шамсиев Ў. Мактабгача ёшдаги болалар ўзини-ўзи англашига таъсир этувчи муносабатлар	156
Эрмирзаев А. Юқори синф ўқувчиларига инглиз тилида мамлакатшуносликка оид матнларни ўқишни ўргатиш илмий-методик муаммо сифатида	161
Yuldashov U. Bo'lajak mutaxassislarining web-texnologiyalardan foydalanish bo'yicha kasbiy kompetentligini rivojlantirish	165

Филология

Абдувахобова М. Лингвофольклоршунослик ва Симпсон типологияси: фанлараро муносабатлар	169
Абдуқаҳҳоров С. Қалин ва маҳр атамаларининг лингвокультурологик таҳлили	172
Абраева Ш. Француз тили лексик системасида лотин ва юнон морфемаларининг лингвистик хусусиятлари (тиббийёт матнлари асосида)	175
Азимова А. К вопросу выражения модальных признаков в корейском языке (на примере форм долженствования)	178
Аташикова Н. Учет жанровой специфики при отборе профессионально-ориентированного содержания обучения английскому языку студентов-экономистов	181
Ашурова Н. Рисолат Ҳайдарованинг “Жавзо” романида аёллар образи тасвири	185
Барлибоева С. Сиёсий коммуникацияда лингвопрагматик бирликларнинг қўлланилиши	189
Vaxridinova E. O'zbek va nemis tillarida kulgi freymi va uni ifodalovchi leksik birliklar	192
Бекмуродова З. Хиазмнинг лингвистик таърифи ва турлари	195
Бердиева Ш. Авторское «я» в маърифий романе «Чулпан» Н.Ф.Каримова	198
Ғаниев М. Тарихий романда конфликт(Нурали Қобулнинг “Султоннинг сўнги куни ёхуд Амир Сохибқирон ва Тўхтамишхон” романи мисолида)	202
Gibraltarskaya O. Representation of artistic systems of XX century Russian writers	206
Dusanova T. Alisher Navoiyning “Mahbub ul-qulub” asarida nasr va nazm uyg'unligi	209
Ёрматова Ё. Жаҳон тилшунослигида интерференция тушунчаси ва унинг турлари	213
Jumayeva M., Jo'rayeva B. Lingvokulturologiya va etnolingvistika munosabati	217
Jo'rayeva B., Ubaydova N. Qarama-qarshilikning lingvistik aspekti	220
Ибрагимов Ш., Рашед Айд Р. Ал Ҳарби. Роль и место гражданской журналистики в общественной жизни Саудовской Аравии	224
Исакова Г. Компонентларни алмаштириш усулининг қанотли сўзларда намоён бўлиши	228
Iskandarova D. Semantic structure of food idioms in the English and Uzbek languages	231
Каримов Д. Турли фанлар доирасида “ўлим” концептининг мазмуний ифодаланиши	235
Xiaowei Yu. Theoretical foundations of the study of sports terminology	238
Мавлонова М. Инглиз тилидан ўзлашган ахборот коммуникация технологиялари терминларини ўзбек тили лексик тизимига график, фонетик, семантик мослашиш жараёнлари	241
Мадалиева Д. Философская проблематика романа М.Ю.Лермонтова “Герой нашего времени”	245
Murodova D. Effective language lesson planning	248
Отаханова М. “Масофа” ва “ҳажм” лексемаларининг луғавий талқинга доир назарий-фалсафий асослари ва амалий тадқиқот йўналишлари	251
Rasulova N. Toponyms as lexic and semantic, stylistic component expressing color designation in the english language	255
Расулова Н. Тиббийёт терминларининг айрим ўзига хос хусусиятлари (А.Қосимовнинг «Тиббий терминлар изоҳли луғати»ни ўрганиш юзасидан)	258
Рашед Айд Р. Ал Ҳарби. Формы и методы освещения в СМИ вопросов паломничества и туризма	261
Рустамов Д. Драматик асарлар матнида морфологик бирликларнинг социопрагматик таҳлили	266
Сатимова Д. Инглиз ва ўзбек электрон луғатларида субстандартнинг статистик таҳлили ва унинг таржима муаммолари	270
Сафарова Х. Француз тилидан инглиз тилига ўзлашмаларнинг диахрон ва синхрон таҳлили	274
Уралов А. Аффиксоидлар масаласи ва улардаги номутаносибликлар	277
Usarova D., Ganapathi N. Problems and methods of translating legal terminology	280
Цой Т. Изучение фразеологических сочетаний в корейском языке	283
Эгамбердиева Г. Способы использования гипербола в сказках и дастанах	286
Юсупова Г. Корейс ва ўзбек тилларида узр/кечирим сўраш нутқ актининг ифодаланиши	290
Юсупова Қ. “Озода ва ёруғ томонда” ҳикоясида қаҳрамонлар руҳияти ўртасидаги муштараклик	293



Шахноза АБРАЕВА,
Тошкент тиббиёт академияси ўқитувчиси
E-mail: abrayevashaxnoza1990@gmail.com

ТТА Ўзбек ва хоризжий тиллар кафедраси доц. Эсонов Ў.Ж. тақризи асосида

ФРАНЦУЗ ТИЛИ ЛЕКСИК СИСТЕМАСИДА ЛОТИН ВА ЮНОН МОРФЕМАЛАРИНИНГ ЛИНГВИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ (ТИББИЁТ МАТНЛАРИ АСОСИДА)

Аннотация

Мазкур мақолада француз тили тиббий терминологиясида лотин ва юнон синонимик морфемаларининг қўлланилиши ва француз тилидаги тиббий терминлар хусусида фикр-мулоҳаза юритилган. Бунда қадимги юнон ва лотин терминларининг замонавий тиббиёт соҳасига кириб келиш сабаблари, ҳамда француз тили классик тилларнинг элементларини фақат тиббиётда эмас, балки турли фанларнинг терминологик тизимларига тегишли бўлган тушунчаларни номинациялашда муваффақият билан ўзлаштириб олиши ҳақида маълумот берилган.

Калит сўзлар: термин, тиббий атама, тиббиёт, терминология, синонимик морфема, француз тили, лотинча ва юнонча сўзлар, морфема, морфология, тизим, элемент.

LINGUISTIC FEATURES OF LATIN AND GREEK MORPHEMES IN THE LEXICAL SYSTEM OF THE FRENCH LANGUAGE (BASED ON MEDICAL TEXTS)

Abstract

This article discusses the use of Latin and Greek synonymous morphemes of medical terminology and medical terms in French. It explains the reasons for the development of ancient Greek and Latin terms into modern medicine, as well as the successful assimilation of French elements of classical languages not only in medicine, but also in international concepts belonging to the terminological systems of various disciplines.

Key words: term, medical term, medicine, terminology, synonymous morpheme, French, Latin and Greek words, morpheme, morphology, system, element.

ЛИНГВИСТИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ЛАТИНСКИХ И ГРЕЧЕСКИХ МОРФЕМ В ЛЕКСИЧЕСКОЙ СИСТЕМЕ ФРАНЦУЗСКОГО ЯЗЫКА (НА ОСНОВЕ МЕДИЦИНСКИХ ТЕКСТОВ)

Аннотация

В данной статье рассматривается использование латинских и греческих синонимичных морфем во французской медицинской терминологии и медицинских терминах в французском языке. Объясняются причины проникновения древнегреческих и латинских терминов в современную медицину, а также успешное усвоение французских элементов традиционных языков не только в медицине, но и в номенклатуре понятий, принадлежащих терминологическим системам различных дисциплины.

Ключевые слова: термин, медицинский термин, медицина, терминология, синонимичная морфема, французские, латинские и греческие слова, морфема, морфология, система, элемент.

Кириш. Маълумки, ҳар бир жамиятнинг ривожланиб, тараққий этиб боришини кўрсатиб берувчи восита тил ҳисобланади. Халқнинг миллат даражасига кўтарилишида ва инсонларнинг орзу-мақсадлар йўлида бирлашишида, шубҳасиз, тилнинг роли бекиёсдир. Ҳар бир мамлакатнинг мустақилликка эришиш учун қилинган ҳаракатларининг дебочасида айнан тил масаласи турганини ҳаммамиз яхши биламиз.

Шунинг учун ҳам ҳар бир замонавий фанлар ўз терминологиясида классик тилларнинг элементларини самарали ишлатадилар. Инсон фаолиятининг турли соҳаларида илмий кашфиётлар борган сари кўпайиб борар экан (бу жараён тўхтовсиз кузатилади), терминологияда ҳам неологизмларнинг яни янгидан-янги муваффақиятли кашфиётлар ҳам пайдо бўлиши мунтазам содир бўлиб боради. Сўз ижод қилиш билан фақат тилшуносларгина шуғулланиб қолмай, балки барча фан ва техниканинг турли соҳа мутахассислари, ҳатто олимларнинг бутун бир жамоалари шуғулланишмоқда. Шу билан тилнинг эволюцияси, хусусан, турли фанлар терминологиясининг динамикаси таъминланмоқда.

Бошқа тиллардан лексик бирликларни ўзлаштириш жараёни ҳам ҳар бир тил учун ҳосдир. Дунёнинг кўп тиллари ўзининг лексик фондиди классик тилларнинг

элементлари билан тўлдириб борадилар. Бу айниқса роман тиллари гуруҳига тегишлидир. Лотин тили бутун роман тилларининг пайдо бўлишида асосий база бўлиб ҳисобланади. Лотин ва қадимги юнон тиллари Европанинг жуда кўп мамлакатлари миллий тилларининг шаклланишига катта таъсир кўрсатди. Классик тилларнинг лексик бирликлари француз тили томонидан интенсив қўлланиладиган ва ўзлаштирмалар тизимига қулай жойлашадиган қимматли тил бойликлари ҳисобланадилар. Уларнинг фонетик, грамматик, семантик ва сўз яшаш хусусиятлари француз тилининг умумий қонуниятлари ва нормаларига қарама-қарши қўйилмайди. Ўзининг генетик алоқалари ва анъаналари боис француз тили классик тилларнинг элементларини фақат тиббиётда эмас, балки турли фанларнинг терминологик тизимларига тегишли бўлган тушунчаларни номинациялашда муваффақият билан ўзлаштириб олади. Бундан ташқари лотин ва қадимги юнон тиллари фалсафа, физика, математика, сиёсатшунослик, психология каби фанларда ҳам, яъни бир қатор табиий ва аниқ фанларда муваффақият билан қўлланилади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review). Лотинча ва юнонча элементлар француз тилининг асосий лексик таркибини ўзига хос тўлдирув-

чилари ҳисобланадилар. Шунинг учун ҳам француз тилшуноси А. Доза, француз тилидаги ўзлаштирилган-маларни юқори баҳолаб, шундай ёзади: “Биз лугатимиз учун уни бойитишни энг кам бузилиш шарти билан қардан қидиришимиз мумкин, агар уни ўтган бобокалонларимиздан – уларнинг ўзақлари бизга анча кўпроқ ёки камроқ ёки тилнинг механизми бизга яқинроқ бўлган лотин тилидан ва лотин тилини боқиб катта қилган юнон тилидан қидирмасак?”[1]. Шунинг учун ҳам бугунги кунда кўпгина француз тилидаги тиббий терминлар лотин ва юнон тилидаги терминлардан ўзлашгани яққол номоён бўлади. Буларни ичида энг яқини бу тиббий терминлардир. Тиббиёт лугатининг юнон ва лотин тиллари морфемаларининг иштироки шу даражада юқорики, уларни ўрганиш кўпинча тиббий атамалар ва матнлар материаллари асосида олиб борилади ва бугунги кунгача бу терминлардан тиббиётнинг барча соҳаларида фойдаланилади[2]. Шунинг учун дунёнинг кўплаб тиббиёт соҳасидаги ходимлари бир-бирларини тушунишлари осондир.

Таъкидлаш жоизки, янги кашфиётлар кўплаб терминларни ҳосил қилишда кучли туртки бўлиб хизмат қилади. Мисол учун, жуда кўп тиббий терминлар тилда айниқса XVII асрдан бошлаб, микроскопнинг ихтиро қилиниши, янги микробиологик бўёқ моддаларнинг кашф қилиниши ва анестезия ва асептиканинг киритилиши билан пайдо бўлиб борган[3]. Француз тиббий терминологияси Уйғониш давридан бошлаб классик тилларнинг элементлари асосида пайдо бўлди ва ривожлана бошлади.

Француз тилидан ташқари, лексик бирликларнинг классик тиллар компонентлари билан сўз ясаш, морфологик, семантик, этимологик асосларини ўрганиш бошқа кўп тиллар материаллари бўйича ҳам олиб борилди. Морфема морфологик даражадаги бирлик сифатида ушбу тилнинг моделлари бўйича ифода тизимининг энг кичик ва мунтазам қайта тикланадиган, мазмун жиҳатидан унга тегишли элементи билан ўзаро боғлиқ бўлган бирлигидир. Классик тилларнинг морфемалари фаннинг кўплаб соҳаларида интенсив қўлланилиши билан характерланадилар[4]; қўлланили-шнинг ва тарқалишнинг маълум соҳаси билан боғлиқ конкрет семантик мазмун баъзан уларни “терминологик” морфемаларга киритиш имконини беради. Шунинг учун ҳам француз тиббий терминологиясини ифодалаш учун ҳар бир кичик тил маълум номенклатуранинг доиралари билан чекланган элементлар ва терминлар тор доирасини сақлаб қолишга интилади. Биринчи қарашда тадқиқот мавзуси морфемика, синонимия ва сўз ясашда ҳамма эътироф қилган ҳолатида янги эмасдек туйилади. Бироқ лотин тилига ва қадимги юнон тилларига бориб тақаладиган синонимик элементларнинг таҳлили, уларнинг нутқда ишлаш қонуниятларини ҳамда француз тилидаги сўз ясашнинг яширин имкониятларини аниқлаш алоҳида эътиборга лойиқ, чунки бундай муаммо тилшуносликда кам ўрганилган.

Тиббиёт терминларини ўзлаштириш жараёни ҳар бир тил учун хосдир. Дунёнинг кўп тиллари ўзининг лексик фондиди классик тилларнинг элементлари билан тўлдириб борадилар. Бу айниқса роман тиллари гуруҳига тегишлидир. Лотин ва қадимги юнон тиллари Европанинг жуда кўп мамлакатлари миллий тилларининг шаклланишига катта таъсир кўрсатди.

Классик тилларнинг лексик бирликлари француз тили томонидан интенсив қўлланиладиган ва ўзлаштирилган тизимига қулай жойлашадиган қимматли тил бойликлари ҳисобланадилар. Уларнинг фонетик, грамматик, семантик ва сўз ясаш хусусиятлари француз

тилининг умумий қонуниятлари ва нормаларига қарама-қарши қўйилмайди.

Ўзининг генетик алоқалари ва анъана боис француз тили классик тилларининг элементларини фақат тиббиётда эмас, балки турли фанларнинг терминологик тизимларига тегишли бўлган тушунчаларни номинациялашда муваффақият билан ўзлаштириб олган-лар. Бу ўзлаштирилганларни бир қанча олимлар ўрганганлар, масалан Левит З.Н.; Порецкий Я.И.; Deckers М.С.; ва бошқалар.

Дунёнинг кўплаб мамлакатларидаги тиббиётнинг хилма-хил соҳалари олимларининг бир-бирини тушунишлари шу билан осонлашадикки, анатомларнинг 1955 йилда Париждаги VI Халқаро федератив конгрессда қабул қилинган лотин тилидаги ягона анатомик номенклатура (PNA - Parisiensis nomina anatomica) ва 1970 йилда Ленинградда тасдиқланган гистология бўйича халқаро номенклатура мавжуд[5]. Фармацевтик, анатомик ва клиник терминологиянинг асосий манбаи бўлиб “интернационализмлар” деб аталувчиларни ҳосил қилишда муваффақиятли қўлланилаётган классик тилларнинг, аниқ, конкрет, барқарор элементлари тўплами хизмат қилади.

Тилшуносликдаги долзарб ва муҳим муаммо сифатида терминологик синонимияга етарли даражада эътибор қаратилади. Г. И. Беженарнинг ҳисоб-китобларига кўра, “синонимлар француз тилидаги тиббий атамаларнинг деярли учдан бирини ташкил қилади”[6].

Юқорида кўрсатиб ўтилгандек, классик тилларнинг лексик бирликларини хилма-хил кичик тил тизимидаги таҳлилга етарли даражадаги эътибор қаратилади. Бироқ тадқиқот асосан этимологияга, структур ва сўз ҳосил қилувчи моделларга ҳамда эллинизмларнинг ва латинизмларнинг у ёки бу тилга ёки кичик тилга кириш тарихига тегишлидир.

-Тадқиқот методологияси (Research Methodology). Француз тилининг хилма-хил кичик тил тизимларидаги классик тиллардан ўзлаштирилган синонимик элементларнинг сўз ясашда дифференциал характеристикаларини аниқлаш ва уларнинг нутқда ишлаш қонуниятларини таърифлаш қуйидагилардан иборат:

1. Лотин ва юнон тилларидаги терминларни турли даражаларда (ҳамма ерда қўлланиладиган лексика, тиббиёт, терапия ва кардиология) ҳамда уларнинг кичик тилларида таҳлил қилинаётган элементларнинг термалар, кичик тиллар ва даражалар бўйича частоталигини аниқлаш; уларнинг нутқда амалга ошувчи аҳамиятли ва ноаҳамиятли фарқларини аниқлаш билан матнларда тақсимланишининг таҳлилининг ўтказиш.

2. Лотин тилидан ўзлаштирилган элементларнинг сўз ясаш маҳсулдорлигини юнонча элементларга нисбатан уларнинг семантик синфларга тақсимланишини аниқлаш.

3. Таҳлил қилинаётган лотин ва юнон тилларининг қуйидаги жиҳатлари орасида бўлиши мумкин бўлган оппозицияни таҳлил қилиш:

- а) частоталик – тақсимланиш;
- б) частоталик – сўз ясаш маҳсулдорлиги.

4. Таҳлил қилинаётган лотинча ва юнонча эквивалентларнинг сўзларда субституцияси ҳолларини таҳлил қилиш.

Қўйилган вазифалар тадқиқот ўтказишнинг методини танлашда ҳамда тегишли характеристикаларини олишда асосий ва йўналтирувчи мақсади бўла олади.

Тиббиёт терминологиясида тадқиқ қилинаётган лотинча ва юнонча синонимик морфемалар, уларнинг нутқда миқдорий тақсимланишига қараб таққосланади ва шу сабабли бир қатор дифференциал характеристикаларни намоён қиладилар.

-Таҳлил ва натижалар (Analysis and results). Лотинча морфемаларнинг юнонча морфемалар билан солиштириш маҳсулдорлигини статистик ўрганиш ҳам морфологик, ҳам семантик аспектларда сўз яшаш характеристикасидаги айрим қонуниятларни очиш имконини беради. Тадқиқот таҳлили фақат таҳлил қилинаётган лексик бирликларни у ёки бу семантик синфга белгилашда амалга оширишдан ва ёритишда қиёсий таҳлил, контекстуал, структур-эҳтимоллик, эҳтимоллик-статистик морфологик, компонент таҳлил ва изоҳли луғатлардан фойдаланилади.

Чунки классик тилларнинг синонимик морфемалари ишлашининг таҳлили на ватан, на чет эл тилшунослигида олиб борилмаган. Эҳтимоллик-статистик ва структур-эҳтимоллик методларининг синхрон ишлатилиши лексик бирликларни таҳлил қилишда морфема даражасида қўлланилмаган. Умуман олганда, лотин тили морфемаларининг яширин имкониятларини юнон тили морфемалари билан қиёслаганда маҳсулдорлик коэффициентини (баҳолаш ўлчовини) аниқлашга ҳамда классик тилларнинг морфемаларини морфологик белгилари бўйича таснифлашга ҳаракат қилинади.

Шу билан биргаликда Француз тиббий терминологиясида лотинча ва юнонча терминларида эҳтимоллик-

статистик ва структур-эҳтимоллик методлари француз тилининг лексик бирликларини шакллантиришда ва нутқда ишлаш даражасини аниқлаб беради.

-Хулоса ва таклифлар (Conclusion/ Recommendations). Хулоса қилиш мумкинки, замонавий тиббиёт терминологиянинг асосий тили бу лотин ва қадимги юнон тиллари ҳисобланади. Шунга кўра, тадқиқот асосида шундай хулосага келиш мумкинки, тиббий терминология яни лотин ва қадимги юнон тиллари - бу тиббиёт соҳасидаги касбий фаолиятни амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Терминологик тизимнинг асосий фарқи, унинг юқори даражада ишлаб чиқилганлиги, аниқлиги ва тиббиёт соҳасидаги ҳар бир бўлимида терминологик бирликларнинг ўзига хослигидир. Шаклланиш жараёнида тиббиёт атамалари терминологиянинг узоқ тарихий тараққиёт йўли ҳисобланади. Юнон-лотин атамаларига мурожат қилиш замирида эстраллингвистик ва тил ичидаги ижтимоий-психологик омиллар, тарихий ривожланиш хусусиятларининг бутун мажмуаси ётади. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, тиббиёт учун енг муҳим саналган бундай атамалар кундалик ҳаётимизда ҳам муҳим ўрин тутаяди.

АДАБИЁТЛАР

1. Dauzat A. Etudes de linguistique française. 2e éd. – Paris: Bibl. du “Français moderne”, 1946. - 350 p.
2. Левит З. Н. Неологизмы в современном французском языке (на материале лингвистической терминологии): Автореф. дисс. ...канд. филол. наук.- М., 1951. - 22с.
3. Порецкий Я. Элементы латинского словообразования и современные языки. - Минск: Вышэйшая школа, 1977. - 123 с.
4. Deckers M. Le vocabulaire de Theilhard de Chardin. Les éléments grecs. - Grembloux: Duculot, 1968. - 212 p
5. Анатомик номенклатура (PNA - Parisiensis nomina anatomica) ва 1970 йилда Ленинградда тасдиқланган
6. Беженарь Г. Структурно-семантическая характеристика французских медицинских терминов: Автореф. дисс. ...канд. филол. - Л., 1973. - 20 с.